

БУГУН ТОШКЕНДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИНING УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

30 август, чоршанба 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 167 (1169)

ҚАРДОшлиК ТАНТАНАСИ

Асримизнинг охириги ўн йиллиги жаҳон харитасида катта ўзгаришлар ясади. Марказий Осиё республикаларининг мустақилликка эришиши натижа-сида туркий дунёда юз берган янгиликни маънавий тилда сўзлашувчи халқларнинг маданий-маънавий жиҳатдан жипслаши-шини тақозо қилди. Зеро, ми-нг йиллар давомида бир ил-диздан баҳра олган халқлари-миз орасига қўйилган сунъий тўсиқ барҳам топди. Тарихни, ўзлигини англаш мавриди кел-ди. Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг илгари Анка-ра ва Истанбулда ўтган олий даражадаги учрашувлари, Ан-кара баённомаси ҳамда Истан-бул декларацияси ана шу мақ-садни амалга ошириш, халқ-ларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий уйғун-ликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлган эди.



СУРАТДА: ҳужжатлар имзоланаётган пайт.

Р. ЖУМАҒИЎЗОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Президенти И-сом Каримов туркий тилли дав-латлар раҳбарларининг нав-батдаги учрашувида қатнашиш учун 28 август кунини Қирғизис-тон Республикаси пойтахтига та-ширди. Бишкек шаҳри қирғиз халқининг улкан маънавий мероси бўлиши «Ма-нас» эпосининг миң йиллиги нишонланаётгани биле байрам тўсиқни олган эди. Туркий тил-ли давлатлар раҳбарлари уч-рашувининг айнан шу пайтда ўтказилаётгани ҳам мамлакат

асолисининг қувончи ва ифти-хорига сабаб бўлди. Қирғизистон Республикаси-нинг ҳукумат уйда олий дара-жадаги Бишкек учрашуви бош-ланди. Озарбайжон Президен-ти Ҳайдар Алиев, Туркия Пре-зиденти Сулаймон Демирал, Туркменистон Президенти Са-лармурод Ниязов, Ўзбекистон Президенти Исом Каримов, Қирғизистон Президенти Ас-кар Акаев, Қозғистон Прези-денти Нурсултон Назарбоев иштирокидаги мажлис кун тар-тибидан халқро ва минтақа-вий масалалар бўйича фикр алмашиш, иқтисодий ҳамкор-ликни кенгайтириш, маданий-

асолисининг қувончи ва ифти-хорига сабаб бўлди. Қирғизистон Республикаси-нинг ҳукумат уйда олий дара-жадаги Бишкек учрашуви бош-ланди. Озарбайжон Президен-ти Ҳайдар Алиев, Туркия Пре-зиденти Сулаймон Демирал, Туркменистон Президенти Са-лармурод Ниязов, Ўзбекистон Президенти Исом Каримов, Қирғизистон Президенти Ас-кар Акаев, Қозғистон Прези-денти Нурсултон Назарбоев иштирокидаги мажлис кун тар-тибидан халқро ва минтақа-вий масалалар бўйича фикр алмашиш, иқтисодий ҳамкор-ликни кенгайтириш, маданий-

асолисининг қувончи ва ифти-хорига сабаб бўлди. Қирғизистон Республикаси-нинг ҳукумат уйда олий дара-жадаги Бишкек учрашуви бош-ланди. Озарбайжон Президен-ти Ҳайдар Алиев, Туркия Пре-зиденти Сулаймон Демирал, Туркменистон Президенти Са-лармурод Ниязов, Ўзбекистон Президенти Исом Каримов, Қирғизистон Президенти Ас-кар Акаев, Қозғистон Прези-денти Нурсултон Назарбоев иштирокидаги мажлис кун тар-тибидан халқро ва минтақа-вий масалалар бўйича фикр алмашиш, иқтисодий ҳамкор-ликни кенгайтириш, маданий-

лар. Туркий маданиятнинг ул-кан бойлиги бўлиши «Манас» эпоси жаҳон маънавий ҳази-насига қўшилган катта ҳисса-дир. Шу боис «Манас» эпоси-нинг миң йиллиги ЮНЕСКО та-шаббуси билан бугун жа-ҳонда кенг нишонланмоқда.

Исом Каримов тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида «Манас» эпоси туркий халқлар бирлигининг ёрқин рамзи экани таъкидлаб, мамлакатларимизнинг бугуни ва эртаси учун ҳам Манасдек, Алломиш-дек элсавар қаҳрамонлар за-рурлигини айтди.

Республикамиз Президен-тининг Қирғизистонга ташири-фи арасида Бишкеклик Аб-дурашид Солиҳўжаев оиласи-да қувончи воқеа юз берди. Уларнинг оиласида уч қиздан сунг ўғил дунёга келди. Бах-тир ота-она Президентимиз ҳурмати учун фарзандларига Исом деб ном бердилар.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Бишкекдаги учрашуви халқларимизнинг маънавий бирлиги сари таш-ланган муҳим қадам бўлди. Олий даражадаги учрашуви-ни «Манас» қаҳрамонлик эпо-си миң йиллик тўйи билан уй-ғунлашиб кетгани чинакам қар-дошлик тантанасига айланади.

Мухаммад ШАРИФ.
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Бишкек — Тошкент.

БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ**

Сиз жаноби олийларига, ҳукумат аъзолари ва Ўзбе-кистон халқига мамлакатингиз мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни изҳор этаман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар халқла-римиз маффақатлари йўлида кундан-кун ривожланиб боради, деб умид қиламан.

Аллоҳ-таолодан Сиз жаноби олийларига сийҳат-са-ломатлик ва муваффақият, Ўзбекистон халқига бахт-саодат тилайман.

Ақбар Ҳошимий РАФСАНЖОНИЙ
Эрон Ислам Жумҳурияти Президенти.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингиз ўз мустақиллигининг тўрт йиллиги-ни нишонлаётган шу кунларда Сизга Жазоир халқи номидан ва шаҳсан ўз номидан самимий қутловлар ва эзгу истаклар изҳор этиш менга, айниқса қувончли-дир. Жазоир қардош Ўзбекистон халқи Сизнинг олиймақом раҳбарлигингизда тараққиёт ва раванқ йў-лида сарфлаётган куч-ғайратларни зўр қизиқиш билан кузатиб турибди.

Дўстона муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда мамлакатларимиз ҳамкорли-ги борасида Сиз билан бирга меҳнат қилишга ўзимни-нг батамом шай эканимни яна бир бор изҳор этиш учун мана шу бахтли имкониятдан фойдаланаман. Сизга бахт-саодат ва сийҳат-саломатлик, қардош Ўзбекистон халқига эса тобора кўпроқ тараққиёт, тинчлик ва бар-қарорлик тилаб билдирган энг яхши истакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Самимий эҳтиром ила,
Лиямиз ЗЕРУАЛЬ,
Жазоир Давлати Президенти.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент жаноблари!

Мамлакатингизнинг миллий байрами кунини самимий табрик йўллаш, шаҳсан Сизга мустаҳкам саломат-лик, халқингизга фаровонлик тилашдек бахтли имко-ният яралганидан мамнунман.

Чуқур ҳурмат ва таъзим билан
Генерал Лансана КОНТЭ,
Гвинея Республикаси Президенти.

ОЛИЙ МАЖЛИС КЕНГАШИДА

29 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилот ҳокимлари депутатлар блоқи ва фракцияларининг раҳ-барлари, Олий Мажлис депутатлари иштирок этдилар. Мажлиси Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб бор-ди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис учинчи сессияси кун тартибига киритилган масалаларга доир маъруза-лар хусусида фикр алмашишлар, сессия ишига таълуқ-ли бошқа ҳужжатларнинг тайёрлиги ҳақида баҳасланди-лар, сессия кун тартибига қўшимча масалалар киритган ҳолда уни бир овоздан қабул қилишди.

Кенгаш мажлисида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқ-лари бўйича вакили тўғрисидаги Низом лойиҳаси муҳо-кама этилди ва қабул қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Кенгаш те-гишли қарорлар қабул қилди.

**БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ
СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ Тўғрисида**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси бугун, 30 август кунини соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депу-татлари бугун, 30 август кунини соат 8 дан Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар зал-лининг фойсидида рўйхатта олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» II ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Теннис бўйича иккинчи халқ-ро турнирининг ҳурматли қат-нашчилари, меҳмонлари ва ташкилотчилари!
Хонимлар ва жаноблар!
Сизларни Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида кизгин қутлашга ижозат бер-гайсизлар!

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубо-ғи учун бу галги мусобақа-лар давлатимиз мустақилли-гининг 4 йиллиги арафасида ўтмоқда.

Сизларга, халқро турнир иштирокчилари ва меҳмонла-рига мамлакатимизда ҳаётни-нг барча соҳаларида: сиеб-да, иқтисодиётда, илм-фанда, маданиятда, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт со-ҳасида ҳам туб ўзгаришлар со-дир бўлаётганини айтиб ўтиш менга катта мамнуният бағиш-лайди.

Жаҳон бизни кашф қилади, биз ҳам ўз навбатида жаҳон-ни англаб етамиз.
Бир неча кундан кейин Тошкентда халқро олимпиа-да кўмитаси раҳнамолигида би-ринчи Марказий Осиё уйин-лари бошланади, теннис бўй-ича Ўзбекистон тарма коман-даси Девис кубоғи Осиё зо-наси финалида учрашади, ок-тябрь ойида боис бўйича Осиё биринчилиги ўтказилади. Бу-ндай йирик спорт тадбирлари-нинг ўтказилиши бугун жаҳон-га янги, мустақиллик йўлидан дидил бораётган Ўзбекистон-ни таништирилади, миллат са-ломатлиги мустаҳкамланаёт-ганини, спортчиларимиз ма-ҳорати ортиб бораётганини, жаҳон майдонига уларнинг ну-фузи ошаётганини намойиш этади.

Бирок, биз учун булардан ҳам муҳими — янги-янги дўст-лар, спорт мухлисларини ор-тиришидир. Киши ўзининг кан-дай эканини кўрсатишининг спорт майдонига маҳоратини намойиш этишдан яхшироқ усули йўқ.

Бугунги кунда жаҳонга ку-ролланиш ва вайронгарчилик соҳасидаги беллашувлар ке-

рак эмас. Инсоният-га барқарорлик ва тинчлик керак. Спор-т эса, тинчликнинг муҳтор элчиси хи-سوبланади.
Энг истеъодли, энг қобилиятли, энг ёрқин иқтидор эга-лари жаҳонни спор-тдаги ютуқлари билан забт этавер-син. Улар фақат спорт майдонлари-да — акли, маҳора-ти, ғайриоддий ко-билиятлари, исте-теводи ва жасора-ти, ғалабага бўлган интилиши билан беллашаверсинлар.

Улар инсон имкониятлари-нинг чексизлигини, унинг жи-ман ва руҳан мукамаллиги-ни исбот қилисинлар, инсон за-коватининг бутун гузаллиги ва бетакрорлигини кўрсатсин-лар.

Мухтарам мусобақа ишти-рокчилари ва меҳмонлари!
Мен Ўзбекистон спорт жа-моатчилиги ва бутун халқи но-мидан бугун Ўзбекистон Пре-зиденти кубоғи учун иккинчи теннис мусобақасига келган барча спортчилар ва уларнинг мураббийларига самимий миннатдорлик туйғуларини из-ҳор этишни истар эдим.

Мен бу мусобақани бритаиш учун келган барча оммавий ах-борот воситалари вакиллари-ни миннатдорлик билдириш-ни истар эдим.

Ишончим комилки, бу му-собақа унинг иштирокчилари, учунгина эмас, кўпсонли спор-т мухлислари учун ҳам ҳақи-қий байрамга айланади. Мен улкан теннис яқин орада Ўз-бекистонда жадал равишда ривожланиб, спортнинг бош-қа турлари каторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга аминман. Бунда мазкур му-собақа иштирокчиларининг хиз-мати катта эканига ҳеч шубҳа йўқ.

Дўстлар!
Бир неча дақиқадан сунг мусобақамиз бошланади. Куч-

ли ва бир-бирига муносиб ки-шиларнинг қийин кураши бош-ланади.
Биз барчангизга муваффа-қиятлар тилаймиз. Биз мусо-бақаларимиз голибининг оғир курашини муносиб баҳо-лаймиз.

Мен бу ажойиб спорт байрамининг барча иштирок-чиларини муносиб тарзда ба-ҳолашимизни ҳам айтиб ўтиш-ни истар эдим.

Мен сиз азиз меҳмонлар мусобақа ўтадиган кунларда ҳамроҳингиз бўладиган ҳақи-қий ўзбек меҳмондўстлиги, халқимизнинг қалб ҳарорати, инсоний ғамхўрлигини хис қи-лишингизни жуда-жуда истар эдим.

Мусобақанинг барча таш-килотчиларига, энг аввало жа-ноб Сассон Қақшурига, улар-нинг меҳнати, уйинларнинг му-ваффақиятли ўтиши йўлида қилган барча иши учун катта раҳмат.

Жаҳоннинг барча томони-дан келиб, қўшили Ўзбекис-тон пойтахтида тўпланган бар-ча мусобақа иштирокчилари, катта ракета усталарини яна бир табриклашга ижозат бер-гайсизлар.

Мусобақанинг барча ишти-рокчиларига сийҳат-саломат-лик, бахт-саодат ва муваффа-қиятлар ёр бўсин!
Яшасин спорт!
Яшасин тинчлик ва дўст-лик!

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС ВАТАНИ БЎЛАДИ

29 август кунини Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кор-тида Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоғи учун иккинчи халқро турнирининг расмий очилиш маросими бўлди. Мазкур турнирнинг халқро миқёсдаги нуфузи йил-дан йилга ортиб бормоқда. Бу йилги мусобақага АҚШ, Германия, Франция, Руминия, Россия каби 14 мамлакат-дан вакиллар таширди. Бир қанча ҳаракатли омма-вий ахборот воситаларининг мухбирлари уни бритаёт-гани шундан далolat бериб турибди.

Президент Исом Каримов маросимда нутқ сўзлади. Юрт-бошимиз Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаёт-ган буюк ўзгаришлар, хусусан янги бунёд этилаётган спорт ин-шоотлари хусусида тўхтади. Меҳмонларга, спортчилар ва уларнинг устозларига мазкур турнирда фаол иштирок этаёт-ганликлари учун миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг кат-та теннис ватани бўлишига ана шу турнир катнашчиларининг

хизмати беқийс эканини қайд этди.
Халқро спорт мусобақала-рининг мохир ташкилотчиси, Ўз-бекистон Президенти кубоғи турнирининг бош хомийси Сас-сон Қақшур маросимда сўз олиб, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожланти-риш учун катта ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, тен-нисни оммавийлаштириш бора-сидида саъй-ҳаракатлар юксак эътирофга сазовор эканини

хизмати беқийс эканини қайд этди.

Халқро спорт мусобақала-рининг мохир ташкилотчиси, Ўз-бекистон Президенти кубоғи турнирининг бош хомийси Сас-сон Қақшур маросимда сўз олиб, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожланти-риш учун катта ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, тен-нисни оммавийлаштириш бора-сидида саъй-ҳаракатлар юксак эътирофга сазовор эканини

қу сиебат халқимиз томони-дан қўллаб-қувватланаётгани, минтақада тинчлик ва осойишталикни барқарорлаш-тириш, серкўеб улкамизда яшаб, меҳнат қилаётган тур-ли миллатлар ўртасидаги дў-стлигини янада ривожланти-риш борасида жуда катта иш-лар қилинаётгани, Ўзбекис-тоннинг жаҳон миқёсдаги об-рў-эътибори ортиб бораётган-лигини фахрланиш ҳис-туйғулари баён этилган.

— Хурматли Исом Абду-ганиевич, — деб элади жи-заҳлик ўқитувчи Орғиной Очи-лова, — сиз гузал Ўзбекис-то-

таъкидлади.
Турнир очик деб эълон қили-нади. Ўзбекистон Давлат ма-дҳияси янграйди. Унга ҳамоҳанг равишда давлатимиз байроғи қўтарилди. Мусобақа катнаш-чилари, меҳмонлар ва томоша-бинларни оқинлаб олов фав-ворлар кўкка отилди.

Теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоғи учун му-собақалар давом этади.

Турнирнинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирининг биринчи ўрин-босари, мазкур мусобақани ўт-казиш ташкилот кўмитасининг раиси И. Жўрабеков, Президе-нтининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазири ўринбосарлари, Тош-кент шаҳар ҳокими К. Тўлағанов қатнашди.

(ЎЗА).

МАКТУБЛАР — ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Президенти номига келган хатларни ўқиб

Мустақиллигимизнинг шонли тўрт йиллигига қизил тайёрларик қўйлаётган шу кунларда Ўзбекистон Прези-денти Исом Каримов номига республика меҳнатқилларидан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда чет эл мам-лакатларининг раҳбарлари ва фуқароларидан кўндан-кўн хат ва табрикнамалар келмоқда. Фақат шу йилнинг ўтган даври мобайнидагина 40 миңга яқин шундай хат-хабар келди.

Бу мактувларнинг муал-лифлари — ишчи ва хизмат-чилар, дехқонлар ва зиёлилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, диндорлар, ёшлардир. Қалб қўри, юрак амри билан ёзил-ган ушбу мактувларда даври-миз нафаси — бугунги кун ташвишлари-ю, келажакка қатъий ишонч сезилиб туриб-ди. Уларда жонажон Ўзбекис-тонимиз мустақилликка эриши-ганидан буён юртимиз-да сиебатий-ижтимоий, иқтисо-дий ва бошқа соҳаларда юз берган муҳим ўзгаришлар, мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган ички ва таш-

нимиз тараққиётига жуда кат-та ҳисса қўшиб, бу ўлкадаги барча халқларни тинч-тотув яшати, бунёдкорлик ишлари билан шугулланиши учун тин-май меҳнат қилиб келмоқда-сиз. Сизни мустақиллигимиз-ни мустаҳкамлаш йўлида юр-тидаётган сиебатингиз нақ-длар тўғри ва оқилона бўлиб, бу сиебат нафақат бизнинг республикада, балки жаҳон-даги илгор мамлакатларнинг раҳбарлари ва халқлари ўр-тасида ҳам кенг қўллаб-қувват-ланмоқда.

Сизга келажаги буюк дав-лат бўлиши Ўзбекистон ва унинг заҳматқаш халқи бахт-саодати йўлида олиб бораёт-ган ишларингизда улкан му-ваффақиятлар тилайман. Ҳа-миша соғ ва омон бўлинг.

Қаққаларё вилотиғи Яқса-боғ туманининг Урта қишло-ғида истиқомат қилувчи 70 ёшли Маҳмадуст Тонғотаров (Давом 2-бетга).



Туркистон — умумий уйимиз

ДОИМИЙ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИНИНГ 1995 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Демир қўшма корхонаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот марказининг «Туркистон — умумий уйимиз» доимий халқаро танлови ҳайъати 1995 йил голибларини аниқлади.

Танлов ҳайъати қарорига мувофиқ бир хил миқдордаги 7 асосий мукофот берилди.

1. Тоҳир ҚАҲҲОРга «Хур Туркистон учун» китоби учун.

2. Тошпўлат АҲМАДга «Имон қалъаси» китоби учун.

3. Насрулла ҚОБУЛга «Ёғий» қиссаси ва «Амир Музаффар» видеофильми учун.

4. Мирзапўлат ТОШПЎЛАТга «Санам гулханлари» қиссаси учун.

5. Аҳмадjon МЕЛИБОВЕга Туркистон бирлиги

ҳақидаги туркум мақолалари учун.

6. Вольфганг ШРАЙБЕРГ (Олмония), Пирмат ШЕРМУХАМЕДОВ (Ўзбекистон)нинг «Туркистон — умумий уйимиз» экологик китоб-харитаси учун.

7. Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВга «Туркистон япроқлари» эссеси учун.

Танлов ҳайъати яна етти муаллифга махсус мукофотлар беришга қарор қилди:

1. Зиёвуддин БОБОҚУРБОНга (Туркия) «Дунё сулҳи учун Туркистон даъвоси» мақоласи учун.

2. Ҳамид ЗИЁЕВга «Муқаддас қалам» эссеси учун.

3. Абдулла ЖАЛИЛга «Бўхтон ва ҳақиқат» китоби учун.

4. Султон АҚБАРИЙга «Туронзамин наволари» шеърий туркуми учун.

5. Ҳамроқул АСҚАРга «Ватан» шеърий туркуми

учун.
6. Бахтиёр ХОЛҲУЖАЕВга — ҳофиз, Ясавий сулукидаги кўшиқлар туркуми учун.

7. Муҳтарам ЭГАМБЕРДИЕВАга «Туронгул» шеърий китоби учун.

**ТАНЛОВ
ҲАЙЪАТИНИНГ
ШАРҲИ**

Туркистон бирлиги ғояси азал-азалдан бу ҳудуддаги халқлар юрагининг энг тўридан жой олган эди. Миллат мунаварлари ҳамиша бу ҳақда орзу қилиб келишган. Оллоҳга шуқурларким, XX юз йиллик тугаётган бир пайтда буюк заруратни фақат қадимий Туркистон халқлари эмас, жаҳон афкор оммаси тан ола бошлади.

Танлов эълон қилганимизга бор-йўғи икки ой ўтган бўлса ҳам эллика яқин асарлар танлов ҳайъатига ке-

либ тушди. Матбуотда фақат нашр этилган асарлар қабул қилинади деб таъкидлашимизга қарамадан вилоятлардан кўлэмалар ҳам келди. Яна бир бор эътироф этимизки, танлов ҳайъати фақат нашр этилган асарларни қабул қилади.

«Туркистон — умумий уйимиз» доимий халқаро танлови давом этади. 1996 йил учун асарлар келгуси йилнинг 20 августига қабул қилинади. Мустақиллик байрами кунини арафасида голибларнинг номи эълон қилинади.

Биринчи мукофот 100 000 сўм
Иккинчи мукофот 75 000 сўм
Учинчи мукофот 50 000 сўм

Танлов ҳайъати қарорига мувофиқ мукофотлар сони ва миқдори ўзгартирилиши мумкин.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мустақиллигимизга бағишланган энг яхши асарлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ўтказган «Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон» кўрик-танлови якунланди. Унда истиқлолни мустаҳкамлашга қаратилган, инсонийлик, ватанпарварликни мадҳ этувчи, анъанавий шарқона тамойиллар асосида яратилган янги насрий, шеърий, таржима ва бадий-публицистик асарлар қатнашди. Кўрик-танловда таниқли тарихчи олим, академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романи, Нажмиддин Комиловнинг «Нажмиддин Кубро» рисоласи, Учқун Назаровнинг «Ёғий» қиссаси, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Тўхтабойнинг бойликлари» ҳикояси, Бахтиёр Омоннинг хитой адиби

Лао Шэ ижодидан қилган «Мушуклар салтанати» романи таржимаси, Тўра Сулаймоннинг «Ез қочди» достони, Абдулла Шернинг «Тоқат» шеърий тўплами, Неймат Аминнинг «Бир аср ҳикояти» асари, Назрулла Жўраевнинг «Уйғоқ нигоҳ» публицистик мақолалари голиб деб топилди.


Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорликда ўтказган «Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар учун» кўрик-танлови ҳам якунланди. Кўрик-танловга ватанпарварлик, қаҳрамонлик ва инсонпарварликни шарафлашга бағишланган қизиқарли, болаларбоп тилда ёзилган янги асарлар қабул қилинди. Унда ижодкорлардан

Сафар Барноевнинг «Нилуфарнинг олмалари», Ж. Субхоновнинг «Какку ҳақида эртақ», Н. Орифнинг «Кичик шифокор», П. Мўминнинг «Чаққон бола — ёққан бола», В. Аҳмадjonнинг «Гулхуморнинг гулбоғи», О. Улуғовнинг «Ноннинг увоғи ҳам нон», Р. Толибнинг «Ҳамма хайрон», Ё. Хўжаевнинг «Ушеле спящего дракона», У. Кўчқорнинг «Чамангул», А. Обиджоннинг «Алишер ила Хусайн», А. Собиржоннинг «Тулкининг гаройиб саргузаштлари» асарлари голиб бўлди.

Голибларга пул мукофотлари топширилади.

Мазкур асарларни бир йил мобайнида китоб ҳолида нашр этишга қарор қилинди.

Голибларни табриклаймиз!



UZDUNROBITA

cellular

"Ўздунробита" ўзбек-америка уяли алоқа қўшма корхонаси
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВни,
республика ҳукуматини,
бутун ўзбек халқини буюк ва қутлуғ байрам —
Мустақилликнинг тўрт йиллиги
билан чин қалбдан муборакбод этади.

Ўзбекистон халқига хотиржамлик, тинчлик, бахт-саодат ва шодлик, ўтказилаётган ислохотларнинг катта ютуқлар билан якунланишида муваффақият тилайди.

Уяли алоқа - телефонларнинг энг мақбули!

Уяли радиотелефон алоқасининг илк станцияси 1992 йил 1 сентябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан ишлай бошлаган эди. Қисқа муддат ичида уяли алоқа кенг тарқалди. Тошкент станциясида ускуналар янги AMPS андозасидагилари билан алмаштирилиб, қайта жиҳозлангач, унинг қуввати уч баравар ошди. Урганч, Самарқанд, Қаршида уяли алоқа станциялари қурилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида Бухоро шаҳрида янги уяли алоқа станцияси фойдаланишга топширилди, Урганч шаҳридаги станция ускуналари энг янгиларига алмаштирилди.

Алоқа вазирлигининг режаси бўйича ва ҳокимиятлар билан ҳамкорлик асосида қолган барча вилоятлар марказида ва йирик шаҳарларда, Ўзбекистоннинг асосий транспорт магистраллари ёқалаб уяли телефон алоқа тармоқларини қуриш масаласи ҳал бўлиш арафасида.

Ўзбекистон иқтисодини ривожлантиришда телекоммуникациянинг иштироки кўп самара берапти, замонавий алоқа турининг абонентлари тобора кўпайиб бормоқда.

Уяли алоқа —
телефонларнинг энг мақбули!

"Ўздунробита" Қ.К.



Ўзбекистон Республикаси Президентини

ИСЛОМ КАРИМОВ

Жаноби Олийларини,

республиканинг бутун халқини буюк миллий байрам —

Ўзбекистон Мустақиллиги кунини

билан самимий, тин қалбдан муборакбод этиши

шарафига тўясармиз!

Давлат мустақиллигининг тўрт йили ичида рўй берган катта ўзгаришлардан ва эришилган муваффақиятлардан Сиз билан биргаликда қувонмоқдамиз.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон халқи демократия ва мустақиллик йўлидан бориб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш борасида янги, яна ҳам улкан зафарларга эришади.

*Ўзбекистон Республикаси халқига бахт-саодат,
сизхат-саломатлик, фаровонлик ва раванг тилаймиз!*

*"Ньюмонт (Ўзбекистон) Лимитед" ваколатхонаси
"Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонаси*

«Манас»нинг 1000 йиллигига

УЧ АВЛОД ҚИССАСИ

«Манас» — табарруқ сўзлар гавхаридан иборат буюк дoston ва шеърят денгизидир

«Манас» нафақат қирғиз халқи учун, балки озодлик ва эркин дауловчи барча туркий халқлар учун ҳам қадрлидир. Қирғиз халқининг бу машҳур достони бизнинг «Алломани» каби мангуликка дахлдор бўлиб, эртанинг минг ёнга қиради. Мазкур асар ўзининг ўн асрлик юбилей арафасида йигирма минг нусхада Чўлпон нашриётида чоп этилди. Китобни шу нашриётнинг бош муҳаррири ўринбосари, таълиқ шоир Турсунбой Адашбоев ўзбек тилига ўзгарган.

— Турсунбой ака, аввало, ҳамкасбингиз ва китобхон қатори оғир меҳнатининг салмоқли натижаси билан табриқлайман. Ўзингизга маълум, «Манас» достони ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмасдик. Университетда ҳам бу ҳақда қисқача баъний маърузалар ўқишдан нарига ўтилмасди. Шунинг учун суҳбатимизни достоннинг мавзуси, мазмунидан бошлашасан.



— Асар жуда қадимий бўлиб, ўша даврда боши бирикмасдан тарқоқ ҳолда яшаган қирғизлар ҳаётини, яшаш тарзини, ниҳоят уларнинг бирлашини, ниҳоят уларнинг бирлашини, бошдан кечирган қирғизбаротларни акс эттиради. У минг йил олдинги тарихни ўзида жамлаган ноёб ёдгорлик, тиниқ кўзгудир. Воқеалар ривожини ботир ва пахлавон Манас, унинг ўғли Семетей ва на бираси Сейтек билан боғлиқ. Манаснинг туғилишини зулмлардан, ур-сурлардан тўйиб кетган жамоат қувонч билан қаршилайди. Улар «Мушкул иш бошимизга тушганда барчамиз бир болани қабул олувдик. Тиллагимизни қабул қилдик. Шу гўдак вақти келиб, олаимга ўқуруқ солиб, ташвишимизни аритсин. Оёқ ости қилинган байроғимизни осмон узра кўтарсин! Қилчичимизни дамли қилсин! Она юртимизга эғдор этсин! Йўли, қўли, қўзи, ўзи очик, оқ кўнгиш ўғлон бўлсин!» деб, ёлпасига хоҳишларини айтиб Тангрига қулук қилишади.

— Асар шундан ортиқ бу шеърят асар аслида 4 китобдан иборат бўлган. Хар бир китоб 20 босма табоқни ташкил қилган. 500 та қарамони бор.

— Хар бир халқ достони кўплаб дoston айтувчилардан ёзиб олинган ва машҳур бўлган. Уларнинг вариантлари мавжуд. «Манас»нинг қайси вариантлари эл орасида машҳур?

— Асарнинг учта мақбул варианты бор. Биринчиси диний-мистик руҳда бўлиб, у Согинбой Урозбоқовдан ёзиб олинган. Иккинчиси — Саёқбой Қоралиев варианты шўролар даври мафқурасига мослаштирилган эди. Учинчи вариант эса Юсуф Мамай ўғли ижодига мансуб. У киши ҳозир Қашқарда истикомат қилади. Урозбоқов билан Қоралиев оламдан ўтишган. Манас шундан вариант узаро солиштирилса, биринчиси халқ орасида анча кенг тарқалган бўлиб, юксак қадрланади.

— Асар шундан қайси тилларга таржима қилинган?

— Инглиз, турк ва рус тилларига. Бундан 20 йиллар му-

қаддам Миртемир домла ўзбек тилига 1-китобни таржима қилганди. Кўр қисмини тушунарли бўлсин учун «қора сўз» насрда берган ва ўйлаётгани жуда тўғри қилган. 2-китоб таржимони шоир Султон Акбарийдир. У қисқартирилган шаклда бўлиб, хотима қисмини мен ўзгарганим.

— Сизнинг таржимангизда нашрдан чиққан янги китоб қайси вариант асосида яратилди? У аввалгилардан нимаси билан фарқланади? Хуллас таржима билан боғлиқ фаоллигингиз қандай кечди?

— Қирғиз ёзувчиси, «Олатов» журналининг бош муҳаррири Кенгаш Жусупов Урозбоқов билан Қоралиев варианты асосида 4 та китобни битта оммабоп асарга айлантириб, насрда қайта ишлаганди. Мен унинг илтимосига қўра ана шу китобни таржима қилдим. Тўртта китоб битта қилиниб, асосий воқеа-ҳодисаларнинг барчаси қамраб олинган. Тили ҳам соддалаштирилган. Бу китобхонга қўлайлик туғдиради.

Таржима билан ярим йил шуғулландим. Ўта мураккаб бу асар таржима жараёнида янада мураккаблашди. Китобдаги форса, арабча сўзларни дoston айтувчи ўз тилига мослаб олаверди. Масалан, Хожа Бахаваддин — Бабилдин, гўмдон қилди сўзи эса қумқам тарзида берилган. Бунга ўхшаш ишхотлаб сўзлар анчагина. Демокиманки, таржимонга тил билишининг ўзига кифоя қилмайди, бу унинг меҳнатини юзага чиқармайди. У яхши тарихчи бўлиши ҳам тақозо этилади.

Олти бобдан иборат ушбу китобга Қирғизистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги, қирғиз халқ ёзувчиси Тугалбой Сиддикбеков сузбоси ёзган. Асар сўнггида эса китобхонга нотаниш ва тушунарли бўлган айрим сўзлар изоҳи берилган. Фурсатдан фойдаланиб, нашриётимиз жамоаси номидан Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги факултетида ва мухтор элчиси, филология фанлари доктори, ёзувчи Солижон Жигитов билан филология фанлари номзоди, доцент, олимпиа Бумайрам Исмоиловага таржима жараёнида берган маслаҳатлари учун миннатдорчилик билдирдим.

«Халқ сўзи» муҳбири Гўлчехра Йўлдошева суҳбатлашди.

«Президент кубоги» турнирида 14 МАМЛАКАТ БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАБ ТУРИБДИ

Айни кунда пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис кортлари одамлар билан гавжум. Спорт мажмуининг бош биноси олдида 14 мамлакат байроғи ҳилпираб турибди. Ҳа, мусобақаларда жаҳоннинг 14 мамлакатидан 64 теннисчи қатнашапти. Турнирнинг саралаш босқичи якунланиб, 32 профессионал теннисчи ўртасида ҳал қилувчи баҳслар бошланди. Асосий селларда бизнинг беш нафар теннисчимиз қатнашапти. Турнирнинг учинчи кунги вакилларимиздан уч нафари асосий сет ўйинларини ўтказишди. Дастлаб, Ўзбекистоннинг иккинчи энг кучли теннисчиси Дмитрий Томашев ишпанилик Карлос Мойяга қарши кортта чиқди. Дастлабки геймлардан оқ ташаббусни қўлга олган Карлос биринчи сетда ҳамюртимизга ҳеч қандай имконият қол-

дирмади 1/6. Иккинчи сетда Дмитрий ўйинни тенглаштирди ва ҳатто ҳисобда олдинда борди — 2/0, 3/1, 4/2. Бироқ ҳал қилувчи геймларда Мойя бор имкониятини ишга солиб, сетда голиб чиқишга эришди 6/4. Учрашувдан сўнгги матбуот конференциясида Дмитрий дастлабки сетда бўш вакилларимиздан уч нафари асосий сет ўйинларига қарши кортта чиқмагани билан изоҳлади. У ўзи қатнашган Туркия ва юртимиздаги сателлит мусобақаларини бу турнирга қиёслаш умуман мантқиққа зид бўлишини, «Президент кубоги»да кучли профессионал теннисчилар қатнашаётганини эътироф этди.



Шу кун шведиялик Магнус Густафссондан мағлубиятга учраган Темур Хонхўжаев ҳам бу йилги турнирда ўтган йилгига нисбатан ҳам кучлироқ теннисчилар қатнашаётганини таскиллаб, Густафссонга қарши фақат чиройли ўйин кўрсатишга ҳаракат қилганлигини айтди. Ҳақиқатдан ҳам Темур турнирнинг олтинчи рақамли теннисчиси ҳисобланаётган Магнусга қарши иккинчи сетда муносиб ўйин кўрсатди. Темур ўз мағлубиятини «Челенжер» тоифасидаги бундай йирик турнирларда биринчи марта қатнашаётгани билан изоҳлади. Учинчи ҳамюртимиз Темур Фаниев ҳам шу кун мағлу-

биятга учради. У америкалик Брайан Даннга қарши учрашувда тенгма тенг ўйин кўрсатди. Бироқ шу кун омад Брайан томонида бўлди — 4/6, 4/6. Шунингдек, шу кун аргентиналик Франко Давин исроиллик Эйал Ранни (6/4, 6/4), франциялик Фредерик Виту ҳамюрти Жан-Ноэль Гриндани (6/1, 6/4), яна бир француз теннисчиси Фредерик Фонте испаниялик Альберт Портасни (6/4, 6/4), испаниялик Эмилио Альварес австралиялик Эндрю Илиэни (7/6, 7/6) мағлубиятга учратди. Кеча биринчи босқич ўйинларга яқун ясалди. Ҳамюртимиз Олег Огородов исроиллик Офер Селага қарши, Вадим Куценко эса руминиялик Дину Пескариуга қарши кортта чиқди.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Турнир юлдузлари

ХОРДИ АРРЕСЕ

Унинг тўла исми-шарифи — Хорди Арресе Кастане. Хорди «Президент кубоги» 11 халқаро турнирининг «биринчи ракет-



ка» соҳиби ҳисобланапти. У айни дамда профессионал теннисчилар рўйхатида 57-погонани эгаллаб турибди. Бундан тўрт йил муқаддам Арресе ПТА рейтингига бунча 23-ўринга кўтарилган эди. Хорди 1982

йилдан буён профессионал теннис турнирларида қатнашиб келмоқда. Шу давр давомида у 1523547 доллар, шу жумладан ўтган йили 206243 доллар ишлади. Хорди ўзи эришган ютуқлари орасида Барселона Олимпиадасида қўлга киритилган кумуш медални алоҳида қадрлайди.

У 1964 йил 29 августда Испанияда туғилган. Арресенинг устози Роберто Вичиано Европада ном қозонган мурабийлардан ҳисобланади.

КАРИ — УВЕ ШТЕЕБ

1967 йил 1 сентябрда Германиянинг Ален шаҳрида туғилган. Штееб ПТА рўйхатида эгаллаб турган ўрнига қўра, «Президент кубоги» 11 халқаро турнирининг «Иккинчи ракетка» соҳиби саналапти. У 1986 йил профессионал теннисчилар

сафига қўшилган. Шундан буён эришган ютуқлари орасида Швейцария очик чемпионати ва 1991 йилда Генуя турнирида голиб чиққанлиги ҳисоблана-



ди. Шунингдек, у Токио, Сидней, Брюссель, Москва, Жакарта шаҳарларида ўтказилган бир қатор нуфузли мусобақаларнинг финалида ўйнаган. 1991 йили АҚШ очик чемпионатининг энг яхши 16 қатнаш-

чиси сафидан ўрин олди. У эндиликда жаҳоннинг биринчи ракеткаси соҳиби ҳисобланаётган америкалик Андре Агасини 1989 йилда мағлуб этган. ПТА турнирларида жами 1896353 доллар, шу жумладан ўтган йили 187062 доллар ишлади. Ҳамюртимиз Олег Огородов билан бу йил Германия турнирида учрашиб, галаба қозонган.

ФРАНКО ДАВИН

У Аргентинанинг энг кучли теннисчиси ҳисобланади. 1970 йил 11 январда Буэнос Айрос шаҳрида туғилган. 1986 йилдан профессионал теннис билан шуғулланади. Жаҳоннинг кучли ўн теннисчиларидан Серхи Брутер ва Горан Иванисевични мағлубиятга учратган. ПТА таснифида 30-погонанича кўтарилган. Унинг ўнг томондан берадиган зарблари жуда кучли бўлиб, кўпинча унга муваффақият олиб келади. ПТА турнирларининг финалида олти марта қатнашган. Франко са-да, Франко Тошкентга фақат галаба иштиғида келганлигини эътироф этапти. Кеча у ўзининг биринчи галабасига эришди. Франко Давин (Аргентина) — Эйал Ран (Исроил) — 6/4, 6/4.



ҲУРМАТЛИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВТА! МУСТАҚИМ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИТА!

Юртингизда улуг неъмат — Мустақиллик байрами тантаналари нашидаси ҳукм сурмоқда. Бу муборак шодиёна кунларни Ўзбекистон фуқаролари қатори биз ҳам қувонч билан кутиб олмоқдамиз.

Мустақиллик туфайли Ўзбек халқининг тарихий орзуси ушалди. Мустақиллик айни вақтда Ўзбек халқининг буюк келажagini белгилаб берди. Диёрингиз табиятининг мислсиз бойлиги, Ўзбек халқининг меҳнатсевар, оқ кўнгиш ва очиқ чеҳра эканлигининг ўзийёқ нурли келажакнинг ишончли кафолатидир.

Ҳозир Ўзбекистон ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ўзининг миллий қадриятларига, илмий-техника салоҳиятига таяниб, халқаро ҳамжамиятнинг энг илғор ютуқларидан фойдаланган ҳолда дадил илгарилаб бормоқда. Халқаро ҳамкорлик, хусусан, иқтисодий соҳасида хорижий шерикларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар бизга қувонч бахш этади. Зеро, бундай очиқ, ҳалол сиёсатдан Ўзбекистоннинг ҳам, у билан ҳамкорлик қилаётган шерикларнинг ҳам ризқи бутун, даромади мўл, обрў-эътибори эса улуг бўлади.

Азиз ўзбекистонлик биродарлар!

Юрагимиз тўридаги самимий истакларимизни қабул қилгайсиз.

Ҳурматли Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган муборак ишларингизда омад ёр бўлсин!

«Венус Америкэн» ЛТД АҚШ — Ўзбекистон қўшма корхонаси ходимлари номидан

Бош директор Моҳаммад Али Сурҳаби.



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Мавнавият 36-35-60; Аxbорот 36-29-89; Туғи муҳарририни 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев. Навбатчи — Л. Қўчқорона.